

ОТЛАРДА ИНТЕРЬЕР КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

И.И.Хафизов-“Йилқичилик” бўлим бошлиғи, к.х.ф.н., катта илмий ходим
Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада отларда интерьер кўрсаткичларини ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти батафсил баён қилинган.Интерьер сўзи французча бўлиб, (интерьер) – ички тузилиш маъносини англатади. Организмнинг ички физиологик, анатомик, гистологик, биохимиявий хусусиятлари йиғиндиси унинг конституцияси билан маҳсулдорлик йўналиши боғлиқлиги интерьери дейилади. Шунингдек, отни морфологик, физиологик хусусиятларини ўрганиш орқали ички органларнинг структурасини билиб олиш, орган ва тўқималарнинг бир-бирига мутаносиб ривожланиши тартибини аниқлаш муҳим аҳамият касб этиши келтирилган.

Калит сўзлар: интерьер, ички тузилиш, скелет, тери қоплами, жун қоплами, мускуллар, нафас олиш органи, юрак.

Summary. The article describes in detail the scientific and practical significance of studying interior indicators in horses. The word interior is French, meaning (interior)-an internal structure. The set of internal physiological, anatomical, histological, and biochemical properties of an organism is called its internal relationship with its constitution in the direction of productivity. It was also noted that it is important to know the structure of internal organs by studying the morphological and physiological characteristics of a horse in order to determine the order in which organs and tissues develop in proportion to each other.

Key words: interior, internal structure, skeleton, skin, wool, muscles, respiratory system, and heart.

Кириш. Маҳсулдор йилқичилик–бу чорвачиликда истиқболли ва самарали тармоқ бўлиб ҳисобланади. Республикамизда отлардан турли йўналишларда (маҳсулот етиштириш, насл олиш, спорт, миллий мусобақалар, хизмат, қишлоқ хўжалик ишларида, экотуризм ва бошқалар) кенг фойдаланиб келинади. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига (гўшт, сут) бўлган эҳтиёжини қондиришда йилқичилик муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда йилқичилик республикамизда барқарор ривожланиш босқичига ўтди. Йилқичилик тармоғидаги ривожланишни Қозоғистон, Қирғизистон, Бошқордистон, Россиянинг Ёқут ўлкаси, жанубий-шарқий Сибирда ҳам кузатиш мумкин.

Интерьер сўзи французча бўлиб, (интериер) – ички тузилиш маъносини англатади. Организмнинг ички физиологик, анатомик, гистологик, биохимиявий хусусиятлари йиғиндиси унинг конституцияси билан маҳсулдорлик йўналиши боғлиқлиги **интерьери** дейилади

Тадқиқот мақсади. Отни морфологик, физиологик хусусиятларини ўрганиш орқали ички органларнинг структурасини билиб олиш, орган ва

тўқималарнинг бир-бирига мутаносиб ривожланиши тартибини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот зоотехнияда умумқабул қилинган биологик, зоотехникавий усулларда ва йилқичиликка доир илмий манбаларни таҳлилий ўрганиш асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар давомида отларда интерьер хусусиятлар илмий манбаларга асосланиб ўрганилди ва бу эса отни морфологик, физиологик хусусиятларини ўрганишда ички органларнинг структурасини билиб олишга, орган ва тўқималарнинг бир-бирига мутаносиб ривожланиши тартибини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Скелет—организмда таянч вазифасини бажаради. Суяклар устида мускуллар ички қисмида ички органлар жойлашган. Қулун туғилганда тана вазнига нисбатан суякларининг оғирлиги 23-25 фоизни ташкил қилади. Отларнинг ўсиш ва ривожланиши 5 ёшгача давом этади. Катта ёшдаги отларда семизлик даражасига қараб тирик вазнга нисбатан суяклар 5-7 фоизни ташкил қилади. Бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига нисбатан жуда ҳаракатчан, чакқон бўлиши суяклар тузилишининг натижасидир. Чопқир отларнинг суяклари узун, ингичкалиги билан ифодаланади. Пайларининг алоқадорлиги яхши ривожланган.

Отларнинг тери қоплами. Тери организмда бир қатор вазифаларни бажаради. Энг аввало, от—танасини ташқаридан қоплаб олган бўлиб, организмни ташқимухитнинг турли таъсиридан ҳимоя қилади. Турли омиллар таъсиридатерининг асаб тузилмалари кўзғалиш ҳолатига киради. Тери қон томирлари билан яхши таъминланган. Организмдаги қоннинг 10%-и терида йиғилган бўлади. Тери организмда муҳим сезги органи бўлиб, организмда мода алмашинувида қатнашади. Умуман, тери зич ва эластик бўлади. Терининг қалинлиги ва унинг вазни от зотиға, ёшиға, озикланишиға, парвариш қилинишиға ва маҳсулдорлигига боғлиқ.

Тез юрадиган отларнинг териси юпқа, оғир юк тортувчи отларники эса қалинроқдир. Отлар қанча чакқон бўлса, териси шунча юпқа бўлади. От зотлари ичида энг юпқа тери ахалтака ва соф қонли Англия зоти ҳисобланади.

От териси қорамол, чўчка терисига нисбатан юпқа, қўйникидан қалинроқ. Бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига нисбатан тер безлари сони кўп бўлиб, ўзида эса кўпроқ сувни 80-85% тери орқали буғлантириш йўли билан ажралади.

Отларда терлаш аввало човида, бўйнида ва ёнбошида, елкаси ва сағрисиға ўтади. Ҳеч бир ҳайвон тез чопадиган отдай бутун тана бўйлаб терламайди.


От терисининг тузилиши. Ажралган тери ёғи аввал суюқ бўлиб, кейин қуюқлашади. Бу ёғ тўйинмаган глицерин ва холестериннинг ёғ кислоталари билан ҳосил қилган мураккаб эфирлардан ташкил топган. Тер ёғи тер суюқлигидаги кислоталар таъсирида парчаланади. Натижада ўзига хос ҳидли, учувчи ёғ кислоталари ҳосил бўлади.

Отларнинг жун қоплами. Отнинг жуни тери маҳсули бўлиб, от танасининг юзасида жойлашган. Олинган маълумотлар бўйича 1 см³ тери юзасида отларда ўртача 700




та жун толалари жойлашган. Жун ва қилнинг узунлиги ҳайвоннинг зотиға, яшаш шароитиға боғлиқ. Отларнинг думи билан ёли баҳор ва куз фаслларида алмашилиб туради.

От мускули. Скелет билан боғлиқ бўлган мускуллар **скелет мускуллари** деб айтилади. Скелет мускуллар табиий шароитларда марказий асаб тизимида кечадиган асаб импульслари таъсири остида қўзғалади. Оғир юк тортувчи ва гўшт йўналишидаги отларнинг мускуллари бўш ва ҳажмли мускул толалари калта бўлиши, салт минилувчи отларға нисбатан кам қисқарувчанлик хусусиятиға эға. Бу эса катта тортиш кучи талаб қиладиган ишларни бемалол бажариш имконини беради. Тез югурувчи салт минилувчи отларнинг мускуллари узун ва зич толалардан тузилган бўлиб, тез қисқарувчанлик хусусиятиға эға. Мускуллар кўтарган юкнинг уларнинг катталаниш ҳажмиға кўпайтмаси мускул иши деб ҳисобланади.



Нафас олиш органлари. Нафас олиш бу бир қанча жараёнларнинг йиғиндисидир. Бу жараёнлар организмдаги энергия алмашинувини таъминлайди. Отларнинг ўпкаси – ўрта ҳисобда 4,5-6,5 кг келади. Отларни ўпкасини оғирлиги унинг зотиға боғлиқ бўлиб, ҳар хил бўлади. Отларни ўпкаси ривожланган бўлиб, унинг ҳажми 40-45 л келади. Отлар тинч турганда 1 минутда 8-16 марта нафас олади. Ишлашдаврида ўпкасининг ҳажми 2-3, нафас олиш тезлиги 4-7, ўпка вентиляцияси 9-12 марта ошади.



Отларнинг юраги - кўкрак қафасининг учинчи ва олтинчи қовурғалар ва икки ўпка бўлинмаси оралиғида жойлашган. Юрак – мускуллардан тузилган, ичи ковак яхлит орган бўлиб, тўртта камерадан, яъни иккита бўлмача ва иккита қоринча ташкил топган. Юракнинг чап ва ўнг қисмлари бир-биридан туташ тўсиқлар билан ажралган. Юрагининг оғирлиги от зотиға, тирик вазниға, ёшиға боғлиқ бўлади. От юрагининг ўртача оғирлиги 3,5-4,5 кг ни ёки тана вазнининг ўртача 0,6-1% ташкил қиладди. Сакраб, чопадиган, тоза соф қонли отларнинг юрагининг оғирлиги 8 кг гача бўлади.

Хулосалар. Отларда интерьер кўрсаткичларини ўрганиш уларнинг экстерьер, маҳсулдорлиги ва конституцияси билан чамбарчас боғлиқ эканлигидан далолат беради. Бу эса ўзига хос илмий-амалий аҳамият касб этади бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. A.A. Nurmatov, B.D. Allashov, Sh.Sh. Jabborov, I. Rustamova, Sh. Tursunov. Feeding farm animals based on the new innovative total mixed ration (TMR) technology. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. 2020/12/1. 614 (1), 012161

2. I.I. Hafizov, A.I. Hafizov, Y.SH. Karimova, K.N. Ergashev. The effects of living the weight of a different genotype to figure foal storage technologies. The effects of living the weight of a different genotype to figure foal storage

technologies/Mejdunarodnaya konferensiya po ekologicheskoy nauke, texnologiyam i injiniringu (ICESTE 2024)/ Pekin, Kitay, 14-15 oktyabrya, 2024, g., Tom, 563 (2024), №03090 <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202456303090/>.

3. А.Нурматов, Ш. Жабборов, И.И. Ҳафизов, Л.Тагаева.Қорабайир зотли тойларнинг ўсиш ривожланишини жадаллаштиришнинг илғор технологияси. Toshkent davlat agrar universiteti hamda "Science and innovation" xalqaro ilmiy jurnali hamkorligida tashkil etilgan "Smart texnologiyalarni qishloq xojaligiga tadbiq etish va rivojlantirish" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman konferensiyasi materiallari, 2024/5/30, Тошкент, Тош ДАУ, 200-206 б.

4. Жабборов Ш, Б.Аллашов, Л.Тагаева. Технология интенсивного выращивания жеребят карабаирской породы в условиях Узбекистана. Вестник Ошского государственного университета. Сельское хозяйство: агрономия, ветеринария и зоотехния. 2024/6/28.№ 2 (7), с-288-296

5. И.И.Ҳафизов, А.И.Ҳафизов. Отларнинг қадимий аждодларининг ўзига хос хусусиятлари. Тошкент давлат аграр университети ҳамда “Science and innovation” халқаро илмий журнали ҳамкорлигида ташкил этилган “Smart технологияларни қишлоқ хўжалигига тадбиқ этиш ва ривожлантириш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман, Тош ДАУ, Тошкент, 30 май, 2024 йил, 133-138 бет.

6. И.И.Ҳафизов.Қорабайир зот отлари генофондининг генетик хилма-хиллиги. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. “AGRO ILM” иловаси, махсус сон, (3) (96), Тошкент, 2023 йил, 45-47 б.

7. Нурматов А.А., Ҳафизов И.И. Карабаирская порода лошадей – “золотой фонд” Узбекистана. Вестник Ошского государственного университета сельское хозяйство:агрономия, ветеринария и зоотехния. г.Ош., Т-ISSN:1694-8696, №2 (7)/2024, С.212-218.

8. Нурматов А.А., Ҳафизов И.И., Карибаева Д.К. Скороспелость жеребят кара-баирской породы и их помесей с фризской породой Скороспелость жеребят карабаирской породы и их помесей с фризской породой. Актуальные вопросы совершенствования технологии производства и переработки продукции сельского хозяйства: Мосоловские чтения: материалы международной научно-практической конференции/ Мар.гос.ун-т. – Йошкар-Ола, 2024. Вып. XXVI, С.486-490.

9. Нурматов А.А., Ҳафизов И.И., Карибаева Д.К.Селекционные типы лошадей карабаирской породы. Современные состояние и перспективы развития агропромышленного комплекса Сибирского региона и сопредельных территорий. Материалы III-ей международной научно-практической конференции. Министерство науки и высшего образования Российской Федерации ФГБОУ ВО “Тувинский госдарственный университет”. г. Кызыл, С.86-89.

10. Тўрақулов З.Т., Мухторов А.З., Холмирзаев Д.Х. Йилкичилик. Ўқув қўлланма,Тошкент, “Меҳнат”, 1985 йил.

101	Abdykarimova SH.A., Dyussembayev S.T., Serikova A.T. Features of using natural aluminosilicates-bentonite and zeolites in agriculture	388
102	Boybulov B.Sh., Ulug'muradov A.D., Xatamov A.X. Qo'ychilik tarmog'ini rivojlantirishning muhim omillari	392
103	Рўзибоев Н.Р., Акназаров Д.К. Акчасой типдаги қўйларнинг экстерьер хусусиятлари	396
104	Рўзибоев Н.Р., Гаибназаров Д.А., Юлдашева А.М. Гўшт-ёғ маҳсулдорлик йўналишидаги акчасой типига мансуб қўйларнинг тирик вазни	400
105	Turganbayev R.U., Yerimbetova J.B. Ustyurt sharoitida tuyalar jun mahsuldorligining tug'im yoshi va yaylov hududlariga bog'lqligi	404
106	Suyunova Z.B., Yaxyayev B.S. Organik moddalar hazmlanishi va sigirlar sut mahsuldorligiga ratsion tarkibining ta'siri	408
107	Axtamova M.T. Ozuqaviy qo'shimchalardan foydalanishning qoramollar sut mahsuldorligiga ta'siri	411
108	Хафизов И.И. Отларини бонитировка қилиш тамойиллари	415
109	Хафизов И.И. Отларнинг экстерьер ва уни баҳолаш	419
110	Хафизов И.И. Отларда интерьер кўрсаткичларини ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти	423
111	Boybulov B.Sh. Hisor zotli qo'ylarni bosh sonini ko'paytirish va naslini yaxshilash	427
112	Boybulov B.Sh., Xoliqov N., Buxarova M. Issiq iqlim sharoitida mahalliy ozuqalar va xorijiy faol biologik qo'shimchalardan foydalanib sigirlarning sut mahsuldorligini oshirish	431
113	Xolmatov A.X., Xodjaev U.T. Yosh parrandalarni organik ozuqa qo'shimchalari bilan oziqlantirishning ahamiyati	434
114	Xolmatov A.X., Xodjaev U.T. Uy sharoitida g'ozlarni parvarishlash texnologiyasi	438
115	Акназаров Д.К. Туркиядан импорт қилинган ангор зотли она эчкилардан туғилган авлодларнинг тирик вазн кўрсаткичлари	441
116	Erqulov U.U. Simmental zotli tanachalarni eksteryer ko'rsatkichlari	445
117	Kaniyazova A.A., Erdanova G.M. Tuxum yo'nalishidagi dominant D-149 tovuqlarining maxsuldorlik xususiyatlari haqida	447
118	Jo'rayeva D.R. Asalari zahari va uni tavsifi	451
119	Jo'rayeva D.R. Asalari zahari va uni olish usullari	454
120	Jo'rayeva D.R. Фацелия бу	459
121	Karshiyev Z.A. Zaanen hamda kamori zotli naslli takalar bilan mahalliy echkilarni chatishtirishdan olingan birinchi avlod duragaylarning tirik vazn dinamikasi va o'sish ko'rsatkichlari	462
122	Улугмуратов А.Д., Исматова Р.А., Л.Х.Ахмадалиева Актуальность правовой охраны изобретений в НИИветеринарии	467
123	Туткышбай И.А., Оспанова М.С. Исследование домашних индивидуальных собак на туберкулез	470
124	Сарыбаев Ы.У. Иммуноферментное определения эстрадиола в	475